

НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

С.Гулямов. юридик фанлари доктори , профессор
А.Ахрорқулов. юридик фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар шароитида нотижорат ташкилотларининг тутган ўрни муҳим аҳамият касб этади, ушбу мақсад йўлида жисмоний ва юридик шахсларнинг турли жамоат бирлашмаларини тузиш орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишига эришиши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Нотижорат ташкилотларини фаолиятини йўлга қўйишида тенглик, адолатлилик, шаффофлик мезонларининг амалдаги ижроси муҳим омил ҳисобланади. Шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойилига биноан эса, ННТлар ички фаолиятида, шунингдек, донорлар ва жамоатчилик вакилларига нисбатан очиқлик ва ҳалолликка интилиши лозим. Ҳалоллик ва қонунга риоя қилиш тамойили ННТлар ўз донорлари, муайян лойиҳа доирасидаги ёрдамнинг якуний олувчилари, ходимлар, ҳамкор ташкилотлар, умуман давлат ва жамиятга нисбатан ҳалол бўлиши, ўзлари юрисдиксияда бўлган ҳар қандай давлат қонунларини ҳурмат қилиши ва уларга риоя этилишини талаб қилади.

***Калит сўзлар:** юридик шахс, матлубот кооперативи, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари, муассасалар, юридик шахс бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нотижорат ташкилот; трансмилий корпорация, одоб-ахлоқ кодекси, ижтимоий ҳайрия фондлари.*

АННОТАЦИЯ

В условиях проводимых в нашей стране реформ важна роль некоммерческих организаций, и для этого важна защита физических и юридических лиц своих прав путем создания различных общественных объединений. Текущая реализация критериев равенства, справедливости и прозрачности является важным фактором в деятельности некоммерческих организаций. Согласно принципу прозрачности и подотчетности, НПО должны стремиться к открытости и честности в своей внутренней деятельности, а также по отношению к донорам и представителям общественности. Принцип добросовестности и верховенства закона НПО обязаны быть честными со своими донорами, конечными получателями

помощи в рамках конкретного проекта, сотрудниками, партнерскими организациями, государством и обществом в целом, а также уважать и соблюдать законы любого государства, в котором их юрисдикции.

Ключевые слова: юридическое лицо, пресс-кооператив, общественные объединения, общественные фонды, учреждения, объединения юридических лиц, органы самоуправления граждан, некоммерческие организации, транснациональные корпорации, кодекс этики, общественные благотворительные фонды.

КИРИШ

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар шароитида фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш, эзгу мақсад йўлида турли жамоат бирлашмаларини тузиш орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эришиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, жамоат бирлашмаларида фуқаролар яъни, муассислар иқтисодий фойда кўриш мақсадида эмас, балки муайян бир маънавий эҳтиёжни таъминлаш мақсадида бирлашиши алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасига кўра, фуқаролар турли уюшмалар, бирлашмалар ва партиялар ҳамда турли ҳаракатларда иштирок этишлари мумкин¹. Шу боисдан, фуқароларнинг ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашда айнан нотижорат ташкилотлар ўзига хос мавқега эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “...мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва тўлиқ ҳимоя қилишни ҳам энг устувор вазифа сифатида белгиладик”² деб таъкидлаб ўтди. Бу эса, ўз навбатида нафақат алоҳида фуқароларнинг балки, улар томонидан ташкил этиладиган ва муштарак мақсадларини рўёбга чиқаришнинг воситаси сифатида нотижорат ташкилотлар фаолиятини алоҳида тадқиқотни талаб этади.

Қайд этиш лозимки, XX асрнинг 70-йилларнинг охири – 80-йилларнинг бошида Европа ва Америка мамлакатларида жамият инсон фаолиятининг атроф-муҳит ва шахсга бўлган салбий оқибатлари ҳақида қайғура бошлади. Бу борада алоҳида хавф кўпинча одамларга ва атроф-муҳитга бевосита ёки билвосита зарар етказадиган, лекин тартибга солиш қийин бўлган трансмиллий

¹Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. -Т.: 2010, ТДЮИ, 120 б.

² <https://president.uz/uz/lists/view/5077>

корпорациялар (ТМК) фаолияти билан боғлиқ бўлган: ТМКлар фаолияти алоҳида давлатлар қонунчилиги юрисдикциясига таъсир доирасига тушмаган. Шу билан бирга, корпорациялар томонидан етказилган зарар туфайли уларга нисбатан жамият томонидан ҳам, ҳукумат томонидан ҳам босим кучайди³.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ушбу оқибатларни бартараф этиш воситаларидан бири трансмиллий корпорациялар томонидан ўз-ўзини тартибга солиш сиёсатини жорий этиш бўлган: ТМКлар ўзлари учун ўйин стандартлари ва қоидаларини белгилашга қарор қилишди. Ушбу қоидалар, жумладан, ахлоқ ва ошкоралик масалаларига тааллуқли бўлган. Корпорациялар “одоб-ахлоқ кодекслари”ни, яъни корпорациянинг ички ва ташқи фаолиятининг ахлоқий жиҳатларини тартибга солувчи, шунингдек, унинг шаффофлиги чегараларини белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини фаол равишда жорий қила бошлаган. Шундай қилиб, биринчи одоб-ахлоқ кодекси ТМКлар ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан, гарчи жамият босими остида бўлса ҳам, пайдо бўлган, бу ҳолат эса компаниялардан янада шаффофроқ ва ижтимоий масъулиятли фаолият амалга оширишни талаб қилади. Нотижорат сектордаги ташкилотларда одоб-ахлоқ кодексининг пайдо бўлиш тарихи кўп жиҳатдан одоб-ахлоқ кодексларининг ТМКларда пайдо бўлиш тарихига ўхшайди. Корпорацияларда бўлгани каби бу глобаллашув ва жаҳон фуқаролик жамиятининг ўсиши билан боғлиқ. Вақт ўтиши билан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг шаффофлиги ҳамда уларга оид муаммолар билан шуғулланувчи фуқаролар ва бу муаммоларни ҳал этишни молиялаштирувчи индивидуал донорлар олдидаги ҳисобдор бўлиши масаласи шакллантирилди. Ушбу жараён билан бир вақтда нотижорат секторнинг ривожланиши билан нотижорат ташкилотларнинг ўзи жамият олдидаги масъулиятни ҳамда донорлар ва улар хизматлари бўйича истеъмолчилар билан узоқ муддатли муносабатларни таъминлаш учун ўзларининг ҳалоллик ва одоблилик кафолатларини бериш зарурлигини англай бошладилар.

Академик Ҳ.Раҳмонқулов юридик шахс институтининг пайдо бўлишини иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, ўзгариши ва ушбу муносабатларни такомиллаштириш учун тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларни ўрнатиш зарурияти билан боғлиқ бўлганлиги, ривожланиш шундай даражага етдики, энди жисмоний шахсларнинг яқка ҳолатда фаолият юритиши

³ Cragg W. (ed) Ethics Codes, Corporations and the Challenge of Globalization. Massachusetts. 2005. P.8-12.

самара бермай қўйди, ижобий натижаларга олиб келмади, биргаликда, ҳамкорликда иш юритиш давр тақозосига айланди. Шу мақсадда оддий ширкатлар пайдо бўла бошлади, деб таъкидлайди⁴.

АҚШда нотижорат ташкилотларини ушбу ҳудуд ва ҳуқуқий тартибот мазмунидан келиб чиққан ҳолда уч гуруҳга бўлишни назарда тутди: норасмий ташкилотлар; инкорпорациялашган нотижорат ташкилотлар (корпорациялар); солиқ қонунчилигига асосан солиқдан озод қилинган ташкилотлар (Internal Revenue Code)⁵.

Эътиборли жиҳати шундаки, норасмийлик ноқонунийликни келтириб чиқармайди. Бунда норасмий нотижорат ташкилотлар аввало иштирокчиларнинг шахсий муносабатлари мавжуд бўлишига ва уларнинг манфаатидан келиб чиқади ҳамда алоҳида юридик шахс ташкил қилинмайди. Инкорпорациялашган ва фуқаролик муомаласида корпорацияни ифодаловчи нотижорат ташкилотлар тўлақонли юридик шахс ҳисобланади. Корпорациялар мулк ҳуқуқига, ўзининг банк ҳисобварағига эга, қарз берувчи сифатида қатнашиши ва ҳатто унинг муассиси чиқиб кетган ҳолларда ҳам ўз фаолиятини давом эттириши мумкин. Корпорациялар фаолиятдан ва ўз олдида қўйган мақсаддан келиб чиқиб бир қатор белгиларига кўра таснифланиши мумкин. Масалан, жамоат корпорациялари, ижтимоий хайрия фондлари ва бошқалар корпорация сифатида мавжуд бўлади.

Қайд этиш лозимки, нотижорат ташкилот ҳеч қандай сабабларсиз, ўз ўзидан мажбурий бўлган солиқлардан озод қилинмайди. Солиқ тўламаслик яъни, учинчи гуруҳга мансуб бўлган нотижорат ташкилоти албатта солиқ хизматига (Internal Revenue service) буюртма бериши талаб қилинади. корпорация ўз ўзидан солиқ тўламайдиганлар рўйхатига тушмайди. Бунинг учун муайян шартлар мавжуд бўлиши талаб қилинади. Аввало, корпорация буюртма бераётган вақтда, шунингдек фаолият юритиши давомида муайян мезонларга мос келиши зарур. АҚШ солиқ қонунчилиги тўпламининг 557-моддасида (IRS Publication 557) даромад солиғини тўлашдан озод қилинган ташкилотларнинг тўлиқ рўйхати келтирилган⁶. Масалан, (с) кичик банди 501 секцияга асосан ташкилотлар даромади федерал солиқдан таълим, фан, диний,

⁴ Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. –Т.: ТДЮИ, 2008, -50 б.

⁵ Исаева М.А. Законодательные условия формирования целевого капитала некоммерческих организаций России и США: сравнительный анализ. //Вестник Чувашского университета. 2011. № 4. С.419-424.

⁶ Internal Revenue Code [Electronic resource] / Internal Revenue Service. URL: http://www.irs.gov/pub/irs-tege/eo_code_provisions.pdf

хайрия, спорт каби ижтимоий фойдали мақсадларни амалга оширган ҳолларда озод қилиниши назарда тутилган.

Ҳар қандай ҳолда ҳам юридик шахсинг солиқ тўлаши ёки ундан озод қилиниши албатта унинг фаолияти ва ундан кўзланган мақсадга мос равишда белгиланади. Нотижорат ташкилотлар айнан солиқ борасида муайян имтиёзни олиши ёки олмаслиги учун алоҳида, махсус ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил қилиниши лозимлиги назарда тутилмаган.

АҚШда қонунчилик федерал ва штатлар даражаси бўлгани сабабли институционал фондларни инвестициялаш соҳасида айнан штат даражасида ушбу масала кўрилиши лозим. Умумий равишда барча учун зарур доирада ишлаб чиқилган ва аксарият штатларда қабул қилинган асосий иккита ҳужжат мавжуд бўлиб улар – UPIA (Uniform Prudent Investor Act – Оқилона инвестициялаш тўғрисидаги унификацияланган қонун) ва UPMIFA (Uniform Prudent Management of Institutional Funds Act – Институционал фондларни оқилона бошқариш тўғрисидаги унификацияланган қонун) амал қилади. Бунда “Оқилона инвестициялаш тўғрисидаги унификацияланган қонун” ўзаро ишончга асосланган ва бизда мавжуд бўлган “ишончли бошқаришга” яқин тушунча доирасида траст фондлари фаолиятини инвестициялашни тартибга солади. “Институционал фондларни оқилона бошқариш тўғрисидаги унификацияланган қонун” эса, нотижорат корпорациялар фаолиятига бевосита боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган ва унда ҳам солиқ масаласига эътибор қаратилади.

Илмий таҳлиллардан шуни кўриш мумкинки, АҚШда нотижорат ташкилотларнинг маблағларни шакллантириш учун муайян қарорни қабул қилишда кенг доирадаги имкониятлар назарда тутилади ва бу фаолият самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади. Россия Федерацияси қонунчилигидан фарқли равишда ушбу жараёнда белгиловчи омил бўлиб хизмат қилмайди. Одатда, фондни ташкил этишда муайян муддат назарда тутилади ва бу масала уни молиялаштирувчи шахс билан келишувда назарда тутилиши мумкин. Бу борада фондни ташкил этиш билан боғлиқ энг кам миқдор ҳам белгиланмаганлиги сабабли мақсадли равишда маблағларни йиғиш имконини беради. Натижада улар фаолияти учун муҳим бўлган молиявий ресурсларни шаклланиши ва фаолияти учун йўналтирилиши имконияти яратилади.

Россия Федерацияси қонунчилиги АҚШ қонунчилигидан фарқ қилади. РФ қонунчилиги ташқаридан хайрия қилувчилар мақсадли капитални шакллантириш учун маблағ киритишига имкон беради бироқ, нотижорат

ташкilotлар ўз маблағлари ҳисобидан уни шакллантириш ҳуқуқига эга бўлмайди. Ушбу ҳолат эса, мустақил равишда маблағ топувчи кўплаб нотижорат ташкilotлар учун муайян даражада чекловчи омил бўлиб ҳисобланади. Айнан маблағларни шакллантириш ҳуқуқий нотижорат ташкilotда асосий фаолият моҳиятига таъсир кўрсатади.

АҚШнинг нотижорат ташкilotлар тўғрисидаги модель қонунида (Model Nonprofit Corporation Act) нотижорат ташкilotининг умумий ваколатларига шартномалар тузиш, кафолатлар бериш, мажбуриятларни зиммасига олиш, пул қарз олиш, вексель, облигация чиқариш, исталган мулки билан гаров мажбуриятида иштирок этиш ва ҳ.к. назарда тутилган. Бу ўринда нотижорат ташкilotлар облигация чиқариш орқали кредит ресурсларни жалб қилиш имкониятига эга бўлади. РФда облигациялар чиқариш фуқаролик ҳуқуқининг ҳамма субъектларига ҳам берилмаган⁷.

XX асрнинг 70-йилларнинг охири – 80-йилларнинг бошида Европа ва Америка мамлакатларида жамият инсон фаолиятининг атроф-муҳит ва шахсга бўлган салбий оқибатлари ҳақида қайғура бошлади. Бу борада алоҳида хавф кўпинча одамларга ва атроф-муҳитга бевосита ёки билвосита зарар етказадиган, лекин тартибга солиш қийин бўлган трансмиллий корпорациялар (ТМК) фаолияти билан боғлиқ бўлган: ТМКлар фаолияти алоҳида давлатлар қонунчилиги юрисдикциясига таъсир доирасига тушмаган. Шу билан бирга, корпорациялар томонидан етказилган зарар туфайли уларга нисбатан жамият томонидан ҳам, ҳукумат томонидан ҳам босим кучайди⁸.

Ушбу оқибатларни бартараф этиш воситаларидан бири трансмиллий корпорациялар томонидан ўз-ўзини тартибга солиш сиёсатини жорий этиш бўлган: ТМКлар ўзлари учун ўйин стандартлари ва қоидаларини белгилашга қарор қилишди. Ушбу қоидалар, жумладан, ахлоқ ва ошкоралик масалаларига тааллуқли бўлган. Корпорациялар “одоб-ахлоқ кодекслари”ни, яъни корпорациянинг ички ва ташқи фаолиятининг ахлоқий жиҳатларини тартибга солувчи, шунингдек, унинг шаффофлиги чегараларини белгиловчи меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини фаол равишда жорий қила бошлаган. Шундай қилиб, биринчи одоб-ахлоқ кодекси ТМКлар ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан, гарчи жамият босими остида бўлса ҳам, пайдо бўлган, бу ҳолат эса компаниялардан янада шаффофроқ ва ижтимоий масъулиятли фаолиятни

⁷ Гурская М.М., Владимирова М.А. Нормативно-правовое регулирование некоммерческих организаций: настоящее и будущее. // Вестник Адыгейского государственного университета. Серия 5: Экономика, 2012, (111), 130-137.

⁸ Cragg W. (ed) Ethics Codes, Corporations and the Challenge of Globalization. Massachusetts. 2005. P.8-12.

амалга оширишни талаб қилади. Нотижорат сектордаги ташкилотларда одоб-ахлоқ кодексининг пайдо бўлиш тарихи кўп жихатдан одоб-ахлоқ кодексларининг ТМКларда пайдо бўлиш тарихига ўхшайди. Корпорацияларда бўлгани каби бу глобаллашув ва жаҳон фуқаролик жамиятининг ўсиши билан боғлиқ. Вақт ўтиши билан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг шаффофлиги ҳамда уларга оид муаммолар билан шуғулланувчи фуқаролар ва бу муаммоларни ҳал этишни молиялаштирувчи индивидуал донорлар олдидаги ҳисобдор бўлиши масаласи шакллантирилди. Ушбу жараён билан бир вақтда нотижорат секторнинг ривожланиши билан нотижорат ташкилотларнинг ўзи жамият олдидаги масъулиятни ҳамда донорлар ва улар хизматлари бўйича истеъмолчилар билан узоқ муддатли муносабатларни таъминлаш учун ўзларининг ҳалоллик ва одоблилик кафолатларини бериш зарурлигини англай бошладилар.

Аввало, одоб-ахлоқ кодекслари билан ўзини ўзи тартибга солиш жараёни халқаро ривожланиш соҳасидаги трансмиллий нотижорат ташкилотларга таъсир кўрсатди. Бу улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ эди. Турли хил маданий, ижтимоий ва диний руҳда ўткир, баъзан ўта нозик ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш бундай муаммоларни ҳал қиладиган шахсларнинг шахсий бенуқсонлигини назарда тутди. Шу сабабли, халқаро нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятини бошқариш мақсадида ўзлари учун ахлоқий стандартларни ишлаб чиқишни бошладилар.

Масалан, 1986 йилда Австралия Халқаро тараққиёт кенгаши (АСФИД) томонидан ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган. Шундан сўнг бошқа халқаро ташкилотлар ахлоқ кодексини қабул қила бошладилар. Мисол учун, 1994 йилда Халқаро Қизил Хоч ва Ярим Ой Ҳаракати томонидан табиий офатлар юз берганида ёрдам кўрсатувчи ННТлар учун ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган. (International Red Cross and Red Crescent Movement and NGOs in Disaster Relief)⁹.

Кейинчалик, бу амалиёт Европа ва Американинг озчилик ҳуқуқлари, экология ва бошқа шу каби соҳалардаги маҳаллий муаммолар билан шуғулланадиган ННТлар томонидан қабул қилинди. Ҳозирда бир неча минг ННТлар ахлоқий меъёрларга риоя қилиш мажбуриятини олган ва уларнинг сони тез суръатлар билан ўсиб бормоқда¹⁰.

⁹ <http://www.ifrc.org/en/publications-and-reports/code-of-conduct/> (на англ. яз.)

¹⁰ Keller H. Corporate Codes of Conduct and their Implementation: The Question of Legitimacy. University of Zurich URL: http://www.yale.edu/macmillan/Heken_Keller_Paper.pdf; Gendron, Lapointe. The Regulatory Limits of Corporate Codes of Conduct URL: <http://www.crsdd.uqam.ca/Pages/docs/pdfCahiersRecherche/19-2003.pdf>; De

Одоб-ахлоқ кодекси – ташкилотнинг касбий этика билан боғлиқ ички фаолияти масалаларини тартибга солувчи ҳужжатдир. Одатда, кодекс ННТ ходимлари ўзларининг касбий фаолиятида амал қилишлари керак бўлган қоидаларни белгилайди ва улар жумласига қуйидагилар киради: ННТларнинг ўз фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш мажбуриятлари; манфаатлар тўқнашуви, коррупция ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган ходимларнинг хулқ-атвор қоидаларини, шунингдек, ташкилот қонуний тартибга солиш зарур деб ҳисоблаган бошқа ахлоқий масалалар мустаҳкамлайди. Бунда одоб-ахлоқнинг қуйидаги асосий тамойиллари ажратилади: жавобгарлик ва жамият фаровонлиги учун хизмат қилиш, жамоатчилик учун очиклик, нотижорат секторнинг ҳисобдорлиги ва шаффофлиги, инсон ҳуқуқлари ва кадр-қимматини кадрлаш, қонунийлик ва ҳалоллик.

Жамият фаровонлиги учун хизмат қилиш ва жавобгарлик тамойилига кўра, жамият вакилларида олинган маблағлар шахсий манфаат учун ишлатилмаслиги керак. Барча хайр-эҳсонлар жамоатчилик ишончини ифодалаш воситасидир ва уларга жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак. Шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойилига биноан эса, ННТлар ички фаолиятида, шунингдек, донорлар ва жамоатчилик вакилларига нисбатан очиклик ва ҳалолликка интилиши лозим. Ҳалоллик ва қонунга риоя қилиш тамойили ННТлар ўз донорлари, муайян лойиҳа доирасидаги ёрдамнинг якуний олувчилари, ходимлар, ҳамкор ташкилотлар, умуман давлат ва жамиятга нисбатан ҳалол бўлиши, ўзлари юрисдиксияда бўлган ҳар қандай давлат қонунларини ҳурмат қилиши ва уларга риоя этилишини талаб қилади.

Фикримизча, бундай тамойиллар миллий қонунчилик тизими ва ННТларнинг иш фаолиятига сингдирилиши лозим. Ушбу тамойиллар асосида ННТларнинг иш олиб бориши ҳамда уларга риоя этиши ННТларни ташкил этиш мақсадидан келиб чиқиб фаолият юритиши ва ҳуқуқий мақоми доирасини аниқлаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида ННТларни фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида ҳолати ва улар фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиш чегараларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий асосларини ривожланишида 1997 йил 1 мартдан кучга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси алоҳида ўрин тутди. Юридик шахсларнинг нотижорат турлари гуруҳи

мавжудлиги дастлаб кодекснинг 40-моддасида белгиланган бўлса, нотижорат ташкилотларининг турлари кодекснинг 4-боби 3 параграфиди белгиланган. Бунда нотижорат ташкилотларининг 6 та турига эътибор қаратилган.

Шу билан бирга кодекс 40-моддасининг 3-қисми нотижорат ташкилотларнинг фақат учта турини кўрсатган ҳолда очик рўйхатини ифодалайди. Бундан фарқли равишда кодекс 4-бобининг 3 параграфиди нотижорат ташкилотларининг 6 та тури кўрсатилган. Мазкур номутаносибликни олдини олиш мақсадида кодекснинг 40-моддаси 3-қисми нотижорат ташкилотларнинг “муайян қонуний шаклда тузишни” назарда тутди. Фикримизча, ушбу ёндашув ҳуқуқий жиҳатдан чалкашликларни вужудга келтириши ҳамда ҳуқуқни қўллаш соҳасида муаммоларни юзага келтириши мумкин. Қолаверса, кўплаб мутахассислар муассасалар, юридик шахс бирлашмаларини юридик шахснинг алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шакл сифатида мавжуд бўлишини нотўғри деб ҳисоблашади.

Фикримизча, қонунчиликда хусусан, ФКнинг 40-моддаси 3-қисмида нотижорат ташкилотлари ташкилий-ҳуқуқий шаклини тўлиқ рўйхатини ифодалаш ҳамда рўйхатни ёпиқ тарзда белгилаш тўғри бўлади. Бунда аниқлик ва фаолиятда шаффофликка эришиш лозим. Шу муносабат билан ФКнинг 40-моддаси 3-қисмини қуйидаги таҳрирда белгилаш мақсадга мувофиқ:

“Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс матлубот кооперативи, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари, муассасалар, юридик шахс бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари шаклида ташкил этилади.”

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги¹¹ қонуннинг асосий мақсади назарда тутилган бўлиб, турли ҳудудда фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мамлакат ҳудудидаги фаолиятига оид муносабатларни тартибга солишни қамраб олиши кўрсатилади. Мазкур қонун 37 моддадан иборат бўлиб, нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчаси, ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, тузиш тартиби, давлат рўйхатидан ўтказиш, нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулки, улар томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва фаолиятини тугатишга доир қоидалар ўз ифодасини топган.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 115-модда / <https://lex.uz/docs/11360>

Қонуннинг 10-моддасига кўра, нотижорат ташкилоти қонунда кўзда тутилган муайян ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши мумкин. Бу ўринда қонунда бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакл назарда тутилган ҳоллар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Фикримизча, бундай рўйхатнинг очик қолдирилиши ўзини оқламайди. Чунки юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли қонунчиликда қатъий ва ёпиқ тарзда ифодаланиши мақсадга мувофиқ. Кўплаб хорижий мамлакатлар (масалан, Германия, Франция) қонунчилигида юридик шахсларнинг хусусан, нотижорат ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли рўйхати ёпиқ тарзда белгиланган. Шу муносабат билан, қонуннинг 10-моддасидан “шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин” деган жумла чиқариб ташланиши мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Голландия, Корея, Япония ва бошқа бир қатор халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхона ва филиаллари Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган. Жумладан, “Save the children” (“Болаларни асранг”), “Чегарасиз шифокорлар”, “АКТЕД”, “Фридрих Эберт жамғармаси” ва бир қатор чет эл ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, экологик муҳит бузилишидан жабр чекканлар реабилитациясини амалга ошириш, хавфли юкумли касалликларнинг олдини олиш, хотин-қизлар ва ўсмирларга тиббий таълим бериш каби мақсад ва вазифаларга қаратилган. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, баъзан айрим мутахассислар, ҳатто ҳуқуқшунослар ҳам Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари сони ҳақида тўхталганда нотижорат ташкилотлар сони билан чалкаштиришади. Бунинг учун дастлаб фуқаролик жамияти, унинг институтлари ҳақида, нодавлат нотижорат ташкилотлар бунда тутган ўрни ҳақида тўғри тушунчага эга бўлиши лозим. Дарвоқе бунда барча нотижорат ташкилотлар фуқаролик жамияти институти ҳисобланади, лекин барча фуқаролик жамияти институтлари нотижорат ташкилоти эмас, деган қоидага амал қилиш лозим. Назарий жиҳатдан фуқаролик жамияти институтлари хилма-хил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида”ги¹² ПҚ–4473-сон қарорига мувофиқ, 2020 йил 1 февралга қадар Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилиши назарда тутилди. Бунда чет эл давлатларининг тажрибасини ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф–5464-сон фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси¹³ II-бўлими 10-бандида нотижорат ташкилоти ҳисобланадиган ўзаро суғурта жамиятларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласи белгиланган.

О.Оқюловнинг фикрича, Фуқаролик кодекси лойиҳасида концептуал жиҳатдан яна бир нотўғри ёндашув юридик шахслар рўйхатининг ёпиқ қилиб қўйилганидир. Бунда энг баҳсли масала рўйхатнинг тижорат юридик шахслари, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, ишлаб чиқариш кооперативлари доирасида чеклаб қўйилганидир. Цивилист олимларнинг кўпчилиги бундан таажжубга тушмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётида катта юкни кўтариб турган хусусий корхоналар, оилавий корхоналар, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликларини тугатиш ва уларни МЧЖга айлантириш (чунки кўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари бир-бирлари учун ҳам солидар, субсидиар жавобгар бўлиши кўпчиликни бундай юридик шахсни ташкил этишдан чўчитади) тушунарсиз ҳол. Иқтисодий тизимда тижорий юридик шахсларни қайта ташкил этишлар изига тушгунча уч-тўрт йил ўтади. Бу эса уларнинг фаолиятини самарали амалга оширишга, уларни бошқаришга салбий таъсир кўрсатади¹⁴.

ХУЛОСА

Фикримизча, матлубот кооперативи, шунингдек ўзаро суғурта жамиятлари фаолияти учун кўшимча шарот яратиш зарур. Чунки, шароит ва ҳуқуқий муҳит барқарор бўлмасдан туриб, улар фаолиятининг кафолати заиф бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 78-моддаси биринчи қисмига “фуқароларнинг” сўздан кейин “**ёки фуқаролар ва юридик шахсларнинг**” деган жумлани қўшиш ҳамда биринчи қисм охирига “**Ўзаро**

¹² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2019 й., 07/19/4473/3864-сон

¹³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2019 й., 08/19/5464/2891-сон

¹⁴ Оқюлов О. Фуқаролик кодекси реал воқеликни акс эттирмоғи лозим. //Хуқук, 2020. №26, 2-июль, 7-бет.

суғурталаш жамияти юридик шахсларнинг аъзолигига асосланиши мумкин” деган гап билан тўлдириш таклиф этилади.

REFERENCES

1. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. -Т.: 2010, ТДЮИ, 120 б. ¹ <https://president.uz/uz/lists/view/5077>
2. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. –Т.: ТДЮИ, 2008, - 50 б.
3. Исаева М.А. Законодательные условия формирования целевого капитала некоммерческих организаций России и США: сравнительный анализ. //Вестник Чувашского университета. 2011. № 4. С.419-424.
4. Оқюлов О. Фуқаролик кодекси реал воқеликни акс эттирмоғи лозим. //Хуқуқ, 2020. №26, 2-июль, 7-бет.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 115-модда / <https://lex.uz/docs/11360>
5. Гурская М.М., Владимирова М.А.Нормативно-правовое регулирование некоммерческих организаций: настоящее и будущее. //Вестник Адыгейского государственного университета. Серия 5: Экономика, 2012, (111), 130-137.
6. Internal Revenue Code [Electronic resource] / Internal Revenue Service. URL: http://www.irs.gov/pub/irs-tege/eo_code_provisions.pdf
7. Cragg W. (ed) Ethics Codes, Corporations and the Challenge of Globalization. Massachusetts. 2005. P.8-12.
8. <http://www.ifrc.org/en/publications-and-reports/code-of-conduct/> (на англ. яз.)
9. Keller H. Corporate Codes of Conduct and their Implementation: The Question of Legitimacy. University of Zurich URL: http://www.yale.edu/macmillan/Heken_Keller_Paper.pdf; Gendron, Lapointe. The Regulatory Limits of Corporate Codes of Conduct URL: <http://www.crsdd.uqam.ca/Pages/docs/pdfCahiersRecherche/19-2003.pdf>; De George Richard T. A History of Business Ethics. Santa Clara University.URL:<http://www.scu.edu/ethics/practicing/focusareas/business/conference/presentations/business-ethics-history.html>
10. O‘G‘Li, I. D. B. (2022). YURIDIK SHAXSLARNING UMUMIY YIG‘ILISH QARORLARINI HAQIQIY EMAS DEB TOPISHNING HUQUQIY OQIBATLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 430-447.

-
11. Topildiev, B., Khursanov, R., & Usmonova, M. (2020). Trust management agreement Property and prospects for its development in the Republic of Uzbekistan. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(3), 3199.
 12. Мехмонов, К. М. (2021). Правовая защита объектов промышленной собственности.